Тарих бу хақиқат кўзгуси

Тарих дарсларида ўқувчиларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш. Бизга маълумки аждодларимиз ватанимизнинг тинчлик фаровонлиги учун курашиб келганлар,биз шеърлар оркали хам ватанга садокат билан курашган аждодларимизни англаб олишимиз мумкин.

Бизнинг аждодларимиз .

Аслини айтганда эллик минг ёшинг ,
Кечмишинг тарихнинг нарёғида
Тумарисдек она,Кайхисраф бошин
Қон тўла саватга солган чоғида .

Спитамин тутиб камон даста
Марокандни сақлаб турганда узоқ,
Ёвни адаштириб ўлим даштида
Кўкрак очиб қаҳ-қаҳ урганда Широқ.

Ҳали ўзбек эмас,лекин оламга
Машхур саку-суғд она бўлиб,
Искандарни машхур этган камони
Йўқ қилмоқдир бу жоҳил душмани.

Кўхна она-юртим қадим Туроним
Ўз бешик,ўз тилим-у,ўз байроғим,
Етти иқлим ичра тенги топилмас
Тупроқ тенги олтин Ўзбекистоним

Ватан ичра кичик ватан саналмиш бизнинг Шахрисабз шахримиз хам йирик-йирик саноат шахарлар билан беллашгудек даражада гуркираб ўз юртида ўсди. Агар биз тарих дарсларида ўқувчиларни ватанпарварлик рухида тарбиялайдиган бўлсак,бизга тарих дарсликларидан жадидлар мавзусини мисол қилиб олсак жадидлар ўзбек халқи учун ўз ижтимоий,сиёсий ва иқтисодий асосларига эга бўлган янги ўзбек давлатини барпо этишга йўл очиб берувчи миллий ғояни шакллантирдилар,жадидлар ўзбек халқи тафаккурида карор топган кўп асрлик инсонпарварлик,эрксеварлик,адолатлилик анъаналарининг улуғ давомчилари эдилар.Таниқли қрим-татар ислохотчиси,жадидчиси Исмоил Ғаспралибий эди.Улар газеталар

оркали хам кураш олиб боришди.Инсонни яратган Оллоҳ унинг толеига яраша ватан хам берган.Ватанга мухаббат шу муқаддас заминга,мовий осмонга,баланд тоғларга ,саксовулдан бошқа гиёҳ унмайдиган дашту-гулларга бўлган мухаббатдан бошланади.Аллоҳ-таоло тилу-забон,онгу-тафаккур берган инсон учун Ватандан ортиқ меҳригиё борми? Йўқ ,албатта.

Эй,турон заминининг юраги бўлмиш Ўзбекистон
Сен борсан жахоннинг харитасида ,
Хамиша устивор бўл,барқарор бўл
Эй кўҳна шарқимнинг сўнмас машъаласи.

Файзулло бобом қони ,Акмалнинг шахид жони
Қодирийнинг қабрида чирқиллар пок виждони,
Мозий оша сўрайди ,халқим Дукчи Эшонни
Рухлар сизга мададкор, бардам бўлинг ўзбеклар .

Биз бу шеърлар орқали хам ватанга садоқат билан курашган аждодларимизни англаб олишимиз мумкин.Тарих халқнинг олтин хазинаси. Ёш авлодимизни ушбу хазинадан бахраманд бўлиши уларнинг келажакда етук шахс бўлишида мухим омил хисобланади.Ўқувчи ёшларга тарих хақида етарли маълумот бера олиш педагогдан катта билим ва масъулият талаб этади.

Ушбу фанни ўқитишда юқори самарадорликка эришиш учун машғулот замонавий педагогик усуллардан :

Хусусан,кичик гурухлар билан ишлаш,бадиий адабиётлар, архив хужжатлари ва хужжатли фильмлар,шунингдек ,матбуот материлларидан фойдаланишнинг ахамияти катта.

Илм масканида дарслар тугаб,ўқувчилар тўгарак ва қўшимча машғулотларга қатнашадилар,уларнинг билимини мустахкамлаш янги маълумотларни ўрганиш учун фан ўқитувчилари билан биргаликда музей ва тарихий обидаларга саёхат уюштириш,мутахасислар иштирокида давра сухбати ташкил этиш,маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш мақсадга мувофиқ бўларди.Бу каби инсон тафаккурининг юксалиш тасаввурларининг кенгайишида хаққоний ёритилган тарихнинг ўрни ва ахамияти беқиёсдир.

Бу борада айниқса “Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари эътиборга сазовордир,Хаққоний тарихни билмасдан туриб ,ўзликни англаш мумкин эмас .”

Бизга маълумки,тарих фани зиддиятлар ва қарама-қарши воқеа-ҳодисалар хақида холис маълумот беради .Уларга объектив бахо бериш кўникмасини шакллантиради.

Мадомики, ўз тарихини билган ,ундан рухий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди.Биз хаққоний тарихимизни тинглашимиз,халқимизни ,миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.

Тарихни билган одам ҳаётда орзу умид ,ишонч билан яшайди.

Биз туркий забон халқлари хам ўз заминимиз жонажон ватанимизни муқаддас деб биламиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёрмиз.

Ватанни қадрини ватандан узоқда булган ,оиласидан,уйидан, махалла ёки қишлоғидан бир муддат айро яшаганлар сезади .

Ўзбекистон мустақил бўлибдики,ўзи танлаган йўлдан шахдам одимлар билан илгариламоқда.

Шахрисабз туман 7-умумий урта таълим мактабининг тарих- хуқуқ фани ўқитувчиси Мардонова Гўзал .